

Айёрлик иш берди

Хикоя

Ям-яшил ўтлоқда бир-биридан семиз дўмбоққина қуёнлар серсув ва майин майсаларни ўткир тишлари билан узиб, чайнашарди. Улар ўсимликларнинг ширин поя ва илдизларини шу қадар иштаҳа билан еб, қорин тўйғазишардики, ҳатто чор-атроф билан ишлари йўқ эди.

Шу пайт ўтлоқда гавдаси тулкига ўхшаш, тумшуғи калтагина, сарғиш ва қора аралаш рангдаги серҳаракат, чакқонгина, аммо анчагина айёр бир жонивор пайдо бўлди. Унинг кўзи бояги қуёнларга тушдию таққа тўхтади. Беихтиёр лабларини ялаб, ширин инграб қўйди. Аста майсалар орасига чўкиб, бир биридан дўмбоқ ва тотли қуёнларни кузата бошлади. Уларни чўчитиб юбормасликка ҳаракат қиларди у. Қуёнларга тикилар экан, иштаҳаси очила бошлади. Ошқозони бир қулдираб қўйди. Нақ бўлмаса оғзидан сўлаги оқаёзди. Чунки унинг қаршисида ўтлоқда қуёнлар эмас, балки каттагина ям-яшил лаганда эндигина пишириб келтирилган, ўзидан ширин ифор таратиб турган тотли қуён гўштлари турар эди гўёки. Жонивор ушбу ширин орзуга етишиш режасини тузди.

Шитоб билан у ўрнидан турдию қуёнларнинг диққатини ўзига тортганча гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қараб югура бошлади. У нафақат югурарди, балки юқорига сакраб, чапак чаларди. Ўмбалоқ ошиб, рақсга тушарди. Думини тишлаб олиб, айлана шаклида думалар, аҳён-аҳёнда қўшиқ хиргойи қилиб ҳам қўярди. Қуёнлар унинг бу чапдаст ва чиройли ҳаракатларига махлиё бўлиб қолдилар. Чайнаётган майсалари томоқларида қолганича анграйиб турардилар. Чунки қуёнлар бу жониворнинг ҳаракатидек чиройли машқларни ҳаттоки ўрмондаги машҳур цирк акробатларида ҳам кўрмаган эдилар. Акробатчи Маймун ҳам, Илон ҳам, узокқа сакровчи Кенгуру ҳам бу ишни уддалай олмаган бўлардилар...

Жонивор уларнинг хангу манг бўлиб турганларидан усталик билан фойдаланар экан, аста-секин қуёнларга яқинлашиб келарди. Лақма қуёнлар эса буни сезмасдилар. Гўёки улар жонивор томонидан гипнозлаб қўилгандек эди. Орадаги масофа яқинлашиб борарди. Бир қараса, жонивор ўзини қуёнлар даврасида кўрди ва улар орасидан энг семизини мўлжалга олди. Ўйинни яқунлаб, таъзим қилганида, қуёнлар чапак чалиб олқишлашди. Аммо уларнинг ичида энг семиз, энг чиройли бир қуён чапак чалишга улгуролмади. Чунки у чапак чалишга қўл жуфтлаган ондаёқ ўзини қуёнларни ана шундай қилиқлари билан тузоғига туширувчи Рассомаха деб аталган мулойим йиртқичнинг чангалида кўрди ва унинг овига айланди...

Ана шунақа, Рассомахага ўхшаганлар қуёндек оқкўнгил, аммо ўта лақма зотларни айёрлик билан ўз тузоқларига илинтирадилар.